



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

**МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТДА ЗААЕНЕН ЭЧКИЛАРИ СУТ
МАҲСУЛДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

Махмудова Хуршида Иргашевна

*Самарқанд давлат тиббиёт университети академик лицейи директори,
140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси,
14.*

E-mail: Makhmudova_Kh.I@mail.ru

Мазкур тадқиқотнинг мақсади – маҳаллий шароитда заанен эчкиларида лактация даврида сут маҳсулдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотларда эчкиларда сут маҳсулдорлиги сутни ҳар куни соғиб олиб, таҳлил қилиш асосида баҳоланди [Ali, 2001; Adewumi et al., 2017; Панькова ва Ситников, 2020] , , .

Олинган экспериментал натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш стандарт услублар бўйича, «Microsoft Excel 2007» (Microsoft, АҚШ) ва OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, АҚШ) махсус дастур пакетлари ёрдамида амалга оширилди [Меркурьева ва бошқ., 1983].

Тадқиқотларда заанен эчкиларида жуфтлашиш даври 5-15.X-1-10.XII (2018 йил) диапазонда амалга ошиб, туғиш даври март (2019 йил) ойининг 1-декадасидан бошланиши кузатилиб (бўғозлик даври 154 ± 6 сутка), йил давомида 2 та лактация даври (1-лактация даври 82 сутка, 2-лактация даври 115 сутка) қайд қилинди. Бунда март ойида (12-15.III.2019 йил) туғиш жараёни бошланган эчкиларда 1-лактация даври май ойининг 2-ярмисигача (23-26.V.2019 йил) давом этиши (82 сутка) кузатилди (жадвал).

Жадвал

Заанен эчкиларида ($n=26$) лактация даврида сут маҳсулдорлиги кўрсаткичлари ($M \pm m$)

| Т/р | Лактация даври (ойлар) | Соғиб олинган сут миқдори | |
|--------------------------------------|-----------------------------------|---------------------------|------------|
| | | л/сутка | л/ой |
| I лактация даври (82 сутка) | | | |
| 1. | Март (12.III–31.III.2019 йил) | 2,48±0,64 | 74,63±2,52 |
| 2. | Апрель (1.IV–30.IV.2019 йил) | 2,55±0,04 | 76,45±3,16 |
| 3. | Май (1.V–26.V.2019 йил) | 2,33±0,12 | 69,58±4,66 |
| II лактация даври (115 сутка) | | | |
| 4. | Июнь (1.VI–30.VI.2019 йил) | 2,14±0,08 | 64,22±2,71 |
| 5. | Июль (1.VII–31.VII.2019 йил) | 2,06±0,04 | 61,87±3,09 |
| 6. | Август (1.VIII–30.VIII.2019 йил) | 1,78±0,03 | 53,40±4,57 |
| 7. | Сентябрь (1.IX–22-24.IX.2019 йил) | 1,96±0,18 | 58,05±4,73 |

Шундай қилиб, маҳаллий шароитда заанен эчкиларидан сутка давомида максимал сут соғиб олиш I лактация даврида қайд қилинди (1.IV–30.IV.2019



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

йил, $2,55 \pm 0,04$ л/сутка), бунда айрим якка ҳолатларда максимал сут соғиб олиш $3,02$ л/суткани ташкил қилиши аниқланди. Тадқиқот амалга оширилган фермер хўжалиги ҳудудида заанен эчкилари ($n=26$) лактация даври умумий 7 ойни (197 сутка) ташкил қилиб, $458,19 \pm 25,47$ л сут соғиб олинди.

Олинган натижалар умумий ҳолатда мавжуд адабиёт маълумотларига мос келади.